

5 курс Оториноларингология фанидан амаллий қўникмалар (7)

1.Фарингоскопия

2.Эшитиш заифлигини аниқлаш (тестлар-шивирлаш ва нутқли).

3. Олдинги тампонада.

4. Олдинги риноскопия

5.Отоскопия

6. Билвосита ларингоскопия

7. Қулоқни ювиш

Кафедра мудири, т.ф.д., доцент

Хасанов У.С.

Фарингоскопия

Фарингоскопия – ҳалқумни текшириш усули.

Мақсад: ҳалқумни күриш.

Кўрсатмалар: ҳалқумнинг ўткир ва сурункали касалликлари

Қарши кўрсатмалар: йўқ

Керакли асбоблар: ёруғлик манбаи (стол лампаси), пешона рефлектори, шпател, буйраксимон идиш.

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалликни бошланғич босқичида аниқлаш. Бу усул ҳалқумдаги патологияни беворсита кўз билан аниқлашга ёрдам беради.

-амалиёт мақсади тушунтирилади, бу беморга тузалиш учун ижобий тайёргарликга ёрдам беради;

-амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;

-кўлларимизни юваб, стерил перчатка киямиз;

-стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Шифокор ва бемор тўғри ўтириш холати: қарама – қарши холатда ўтириш		
2.	Пешона рефлекторини тўғри тақиши		
3.	Шифокор ўнг қўли билан бемор энса соҳасидан ушлаб, чап қўлида “ёзув ручкасини ушлаган” холатида шпателни ушлайди		
4.	Лаблар, оғиз бўшлиғи дахлиз қисми шиллиқ қавати, оралиқ бурмаси, тишлар ва сўлак безлари йўларини очилиш жойи кўрилади		
5.	Оғиз бўшлиғини туби кўрилади, бунда бемордан оғзини катта очиш ва тилини учини юқорига кўтариш сўралиб, шпател билан тил чапга ва ўнга сурилади		
6.	Юмшоқ ва қаттиқ танглай шиллиқ қаватлари кўрилади, бунинг учун беморни боши бир оз орқага эгилади		
7.	Текшириш натижаларини интерпретация қилиш		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: қайт қилиш рефлекси бўлиши мумкин. Бунда 10% ли Лидокаин спрейидан фойдаланилади.

Эшитиш заифлигини аниқлаш (тестлар-шивирлаш ва нутқли).

Эшитиш заифлигини аниқлаш – беморнинг эшитиш қобилиятини шивирлаб ёки овозини чиқариб айтилган сўзлар билан текшириш.

Мақсад: қулоқ касалликларини ташхислаш, жарроҳлик даволаш усулини танлаш, даво тадбирларини баҳолаш, болаларда эшитиш қобилиятини эрта аниқлаш, ташхис қўйиш ва реабилитация чораларини эрта қўллашга ёрдам беради.

Кўрсатмалар: қулоқнинг ўткир ва сурункали касалликлари, қулоқнинг йириңгиз касалликлари.

Карши кўрсатмалар: йўқ

Керакли асбоблар: С.К.Аззамованинг ўзбек тилидаги ва Г.И.Гринберганнинг рус тилидаги жадвали, отоскоп, пешона рефлектори.

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалликни бошланғич босқичида аниқлаш. Бу усул қулоқда эшитиш бузилганлигини бошланғич босқичларида аниқлашга ёрдам беради. Бу усулнинг афзалликлари-мураккаб ва қимматбаҳо жиҳозлари йўқ бўлган жойларда эшитиш бузилишларини аниқлай олиш.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Отоскопия ўтказиш		
2.	Бемор шифокордан 6 м масофада текширилаётган қулоқ томони билан қараб туради		
3.	Ҳар бир қулоқда эшитиш ўткирлигини алоҳида текширилади. Бунинг учун bemornинг иккинчи қулоғи ташки эшитув йўли бармоқ билан тўлиқ беркитилади		
4.	Шивирлаб гапиришни, тўғри талаффуз қилишни текшириш: шифокор нафас чиқариб қолдиқ ҳаво хисобига жарангли ва жарангиз сўз ва сонларни шивирлаб гапиради.		
5.	Эшитиш ўткирлиги масофаларда (метрда) аниқланиб, камидан уч маротаба 3 марта тўғри қайтариши кераклиги текширилади.		
6.	Шивирлаб гапиришнинг қабул қилиш нормасини тўғрилигини текшириш		
7.	Сўзлашув нутқни текшириш учун жарангли ва жарангиз сўз ва сонлар гапирилади ва bemordan эшитган сўз ва сонларни тақорглашни талаб килинади.		
8.	Нутқли текширувни қабул қилиш нормасини тўғрилигини текшириш		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: асоратлар кузатилмайди

Буруннинг олдинги тампонадаси.

Буруннинг олдинги тампонадаси- бурун бўшлиғидан қон кетганда, бурун бўшлиғини докали тасма билан тўлдириб қон кетишни тўхтатиш.

Мақсад: Бурун бўшлиғидан қон кетишни тўхтатиш.

Кўрсатма: Буруннинг олдинги ва ўрта қисмларидан қон кетганда.

Карши кўрсатмалар: йўқ

Керакли асбоблар: стерил докали тасма 5x20 см ўлчамли, аппликацион анестетик(10 % Лидокаин), пахтали тампон, қулоқ пинцети, бурун кенгайтиргич, шпател, пешона рефлектори, ёритгич (стол лампаси).

Кўникманинг амалий аҳамияти: амалиёт шифокори учун бу кўникмани бажара олиш жуда муҳим, чунки бу патология кунлик ҳаётимизда тез-тез ва ҳар ерда учраб туради. Шунинг учун ҳар қандай шифокор ушбу bemorlarга ёрдам бера олиши керак.

- амалиёт мақсади тушунтирилади, бу bemorga тузалиш учун ижобий тайёргарликга ёрдам беради;
- амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;
- кўлларимизни ювиб, стерил перчатка киямиз;
- стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Кон кетиш манбаи ва йўқотилган қон хажмини аниқлаш учун олдинги риноскопия қилинади		
2.	Аппликацион анестезия қилинади		
3.	Пинцет ёрдамида докали тампон бурун умумий йўлининг шу томонига тампон аввалига юқорига, кейин бурун бўшлиғининг тубига қараб ҳаракатлантирилиб, бурун бўшлиғига зигзаксимон равиша кетма-кет тўлдирилади.		
4.	Бурун тешигини пахтали тампон билан беркитилади		
5.	Фарингоскопия ўтказилади.		
6.	Працевидсимон боғлам қўйилади		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: нотўғри бажарилганда бурун тўсиги жароҳатланиши, тампонада зич қилинмаса қонаш давом этади..

Олдинги риноскопия

Олдинги риноскопия – бурун бўшлиғини текшириш.

Мақсад: бурун бўшлиғини кўриш.

Кўрсатма: буруннинг ўткир ва сурункали касалликлари, бурундан қон кетиши, бурун бўшлиғнинг ўсма касалликлари.

Қарши кўрсатмалар: йўқ

Керакли асбоблар: бурун кенгайтиргич, пешона рефлектори, ёруғлик манбаи(стол лампаси)

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалликни бошланғич босқичида аниқлаш. Бу усул бурундаги патологияни бевосита кўз билан аниқлашга ёрдам беради.

- амалиёт мақсади тушунтирилади, бу bemorga тузалиш учун ижобий тайёргарликга ёрдам беради;

- амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;

- кўлларимизни ювиб, стерил перчатка киямиз;

- стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Беморни куриш учун қулай холатни танлаш. Пешона рефлекторини түғри такиш		
2.	Чап құл билан bemor бошини тепа сохасидан ушлаб, хамда ўнг катта бармок билан бурун учки қисми юқорига кутарилади, бу холатда қолган ўнг құл түртта бармоклари пешона сохасида туради		
3.	Рефлектор ёргүнини бурун дахлиз кисмiga юборилади. Бунда бурун дахлизини тери ва туклар холати, ёриқлари, бурун түсиги харакат кисмини холати күринади		
4.	Bемор бошини ўнг ва чапга буриб бурун түсиги Кисселбах сохаси курилади, шунингдек шиллик кават ранги ва холатига ахамият берилади		
5.	Чап құл билан бурун ойнаси күйидаги холатда ушланади: катта бармок бурун ойнаси устида колган туртта бармок даста кисмидан ушланади		
6.	Ўнг құл билан шифокор bemor бошини тепа-чакка сохасидан ушлайди		
7.	Рефлектор ёргүнини тушуради		
8.	Бурун ойнаси бурун дахлизига ёпик холатда тахминан 1,0 - 1,5 см ичкарига бурун ташки деворига паралел равища киритилади		
9.	Бунда биринчи түғрига қараган холатда умумий ва пастки бурун йўли, хамда пастки бурун чиганоқлари күринади. Иккинчи холатда bemor бошини тепага 30° күттарганда ўрта бурун йўли ва чиганоги күринади. Учинчи холатда bemor бошини ёнга бурганда бурун түсиги күринади		
10.	Бурун ойнаси бурун бўшлигидан оғзи бироз очиқ холатда чиқарилади		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: нотўри (қўпол) бажарилганда бурун түсиги жароҳатланиши ва бурундан қон кетиши.

Отоскопия

Отоскопия – қулоқни кўриш.

Мақсад: ташки эшитув йўли ва ногора пардани кўриши.

Кўрсатма: ташки ва ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали касалликлари

Қарши кўрсатмалар: йўқ

Керакли асбоблар: қулоқ воронкаси, пешона рефлектори, ёруғлик манбаи(стол лампаси) ёки отоскоп.

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалликни бошланғич босқичида аниқлаш. Бу усул қулоқдаги патологияни бевосита кўз билан аниқлашга ёрдам беради.

-амалиёт мақсади тушунтирилади, бу bemorga тузалиш учун ижобий тайёргарликга ёрдам беради;

- амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;
- күлларимизни ювіб, стерил перчатка киямиз;
- стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбірлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Рефлекторни тұғри тақиши ва отоскопни, қулоқ воронкасини күлгә олиш		
2.	Беморни тұғри ҳолатда үтқазиши: bemor шифокорни ўнг томонида үтириб, бироз гавдасини у томонга әгади, хамда бошини карана - карши елка томон буради		
3.	Ташки қулоқ сохасини умумий күрігі, пальпацияси. қулоқ олди кисмини перкуссияси		
4.	Пешона рефлектори оркали ёруғликни нурини ташқи эшитув йўлига юбориб, ўнг қўл билан чап қулоқ супрасини юкорига ва оркага тортилади (болаларда пастга ва оркага) ўнг қулоқ кўрилганда чап қўл ёрдамида тортилади		
5.	Қулоқ воронкасини ташки эшитув йўлига мос размерини танлаш		
6.	Қулоқ воронкасини тұғри ушлаш: учта бармок билан «перони ушлаш» холатида киррасидан ушлаб, воронка тор кисми ташки эшитув йўлига эҳтиёткорлик билан айлана харакат билан киритилади		
7.	Ташки эшитув йўлини тұғри баҳолаш, девор териларини холати		
8.	Ноғора парда таниш белгиларини кўриш ва тұғри баҳолаш		
9.	Ноғора парда кўринишини тұғри интерпритация қилиш		
10.	Пневматик воронкани тұғри қўллаш		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: ташқи эшитув йўлининг терисини жароҳатлаш туфайли, чипқон келиб чиқиши мумкин, шунинг учун воронка киритишдан олдин, ташқи эшитув йўлини текшириш керак.

Билвосита ларингоскопия

Билвосита ларингоскопия – ҳиқилдоқни ҳиқилдоқ кўзгуси ёрдамида текшириш.

Мақсад: ҳиқилдоқни кўриш.

Кўрсатма: ҳиқилдоқнинг ўткир ва сурункали касалликлари

Карши кўрсатмалар: ёш болалар

Керакли асбоблар: пешона рефлектори, ёруғлик манбаи(стол лампаси), ҳиқилдоқ ойначаси, салфетка, спиртовка.

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий ёрдам кўрсатиш мақсадида касалликни бошланғич босқичида аниқлаш. Бу усул хиқилдоқдаги патологияни бевосита кўз билан аниқлашга ёрдам беради.

- амалиёт мақсади тушунтирилади, бу беморга тузалиш учун ижобий тайёргарликга ёрдам беради;
- амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;
- қўлларимизни ювиб, стерил перчатка киямиз;
- стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Беморни кўриш учун қулай ҳолатни танлаш		
2.	Пешона рефлекторини тўғри тақиши		
3.	Хиқилдоқ ойнасини ўнг қўл билан перони ёзиш ҳолатида ушлаш		
4.	Хиқилдоқ ойнасини ойна кисмини спиртли алланга ёки қайнок сув $T=45-50^{\circ}\text{C}$ да қиздириш		
5.	Қўл ташқи юзаси билан хиқилдоқ ойнасини ташқи юзаси орқали қизиш даражасини аниқлаш		
6.	Тилни устига марля салфетка қўйиб чап қўл биринчи бармок билан пастдан тилни ушлаган холда пастга тортирилади, хамда курсаткич бармок билан юкорилаб кутарилади		
7.	Хиқилдоқ ойнаси оғиз бўшлиғига ойнани юзаси тил асосига 30°C бурчак остида киритилиди (халқум орқа девори ва тил илдизига тегмаган холда)		
8.	Ойна юзасига рефлектор орқали ёруғлик юборилади		
9.	Ойна орқали бурчакларни ўзгартирган холда тил илдизи, тил мўртаклари, хиқилдоқ ҳалқумнинг ён деворини, ноксимон хиқилдоқ синусини кўрилади. 45° бурчак остида хиқилдоқ кўринишини кўрилади		
10.	Олдин хиқилдоқ ойнаси оғиз бўшлиғидан олинади, Сўнгра тил қўйиб юборилади		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: қайт қилиш рефлекси бўлиши мумкин. Бунда 10% ли Лидокаин спрейидан фойдаланилади.

Кулоқни ювиш.

Кулоқни ювиш – ташқи ва ўрта қулоқ касалликларида ташқи эшитув йўлини ювиб, санация қилиш.

Мақсад: ташқи эшитув йўлини олтингугарт тикини ва қулоқдаги ажралмалардан тозалаш.

Кўрсатма: қулоқдан ажралма келиши, олтингугурт тиқини, ёт жисм.

Карши кўрсатма: қуруқ эпи-мезотимпанит

Керакли асбоблар: пешона рефлектори, ёруғлик манбаи, қулоқ воронкаси, қулоқ зонди, пахта, жомча шаклидаги лоток, Жанне шприци, дез. эритма, сочиқ.

Кўникманинг амалий аҳамияти: малакавий нормал ҳаёт фаолияти учун беморлар эшитишини тиклаш

-амалиёт мақсади тушунтирилади, бу bemorга тузалиш учун тайёргарликга ижобий ёрдам беради;

-амалиётдан олдин материал ва инструментлар стериллиги текширилади;

-кўлларимизни ювиб, стерил перчатка киямиз;

-стерил лотокга стерил материал ва инструментлар жойланади.

Бажариш босқичлари:

№	Тадбирлар	Бажарди	Бажара олмади
1.	Пешона рефлекторини тўғри тақиши ва отоскопия ўтказиш.		
2.	Қулай ҳолатни танлаш ва bemorга муолажани тушунтириши		
3.	Қулоқни ювиш учун асбоблар ва дори воситаларини тўғри танлаш.		
4.	Жане шприцига тана ҳароратидаги фурациллининг 1:5000 нисбатдаги эритмасиадан 100-150 мл эритмаси тортилади		
5.	Беморнинг ювиладиган қулоқ томонидаги елкасига сочиқ ташланади, қулоқ остига буйрак шаклидаги лотокни bemor терига босиб ушлаб туради.		
6.	Катталарда қулоқ супраси орқага - юқорига тортиш билан, болаларда эса қулоқ супрасини орқага - пастга тортилади ва ташқи эшитув йўли текисланади.		
7.	Врач ўнг кўли билан Жанне шприцини ушлаб, уни ташқи эшитув йўлининг кириш қисмида орқа-юқори деворига йўналтирилади		
8.	Поршенни турткисимон босиб сувни бўлиб-бўлиб оқим билан ташқи эшитув йўлининг орқа-юқори деворига юборилади.		
9.	Ювилгандан сўнг бош ёнга эгилиб қолган сув чиқарилади ва ташқи эшитув йўли пахта ўралган зонд билан артилади.		

Бўлиши мумкин бўлган асоратлар ва уларни олдини олиш: бош айланиши, хушдан кетиши, иккиламчи ялиғланиши, нофора парда жароҳатланиши. Бош айланишини олдини олиш учун юборилаётган суюқлик ҳарорати тана температурасига яқин бўлиши керак, иккиламчи ялиғланиши олдини олиш учун ювилгандан кейин қуритиш керак.